Ислоҳотлар амалда: Майлавойнинг ички йўллари равон бўлди

Бағдод туманида маҳаллалар йўлларини таъмирлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар навбати "Майлавой" маҳалла фуқаролар йиғинига етиб келди.

Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида ҳудуддаги ички йўллар таъмирланиб, асфальтланди.

Кўпдан буён таъмирталаб бўлган йўлларнинг бундай равон ва кўркам тус олаётганидан маҳалланинг ёшу қариси бирдайин хурсанд. Бу ўзгаришларга ҳисса қўшаётганларни алқаб, дуога қўл очмоқдалар.

Манзилли давлат дастурлари асосида туман маҳаллалари инфратузилмасини яхшилаш ва аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни бартараф этишга қаратилган амалий тадбирлар жойларда қизғин давом этмоқда.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-03-27 16:43:26